

ПРЕСС-ТУР



“Ёшлар дафтари” платформаси ёшлар муаммоларини ўрганиш, уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашда муҳим рол ўйнамоқда


Термиз туманида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 26 618 нафар ёшлар истиқомат қилади. 2021 йилда уларнинг 1 837 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилган ва кўрсатилган кўмак ва бандлигини таъминлаш орқали 1 716 нафар ёшлар дафтардан чиқарилган.

Туман ҳокимлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги Термиз туман бўлими томонидан “Ёшлар дафтари”га киритилиб, кўмак кўрсатилган ва бугунги кунда ўз тадбиркорлик фаолиятларини олиб бораётган ёшларнинг лойиҳалари билан танишиш мақсадида пресс-тур ташкил этилди.

Маълумот учун 2022 йилда “Ёшлар дафтари” платформасига 113 нафар ёшлар киритилган бўлиб, уларга 6 та йўналишда ёрдам кўрсатиш ҳамда 92 нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.







Термиз тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати